

МИНТАҚАВИЙ ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Озодбек Турсунов, ўқитувчи,
Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7656675>

Аннотация: Ҳозирги замон глобаллашуви шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши нафақат инновацион тараққиётга йўналтирилганлик билан, балки минтақалар инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича кўламли лойиҳаларни амалга оширишга ҳам йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Ушбу вазифаларнинг ҳал қилиниши Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий жараёнларига тўлароқ интеграциялашга, халқаро савдо-иқтисодий, туристик ва маданий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиши зарур.

Ушбу мақолада минтақавий транспорт инфратузилмасини стратегик бошқарув механизмини такомиллаштириш жиҳатлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: бошқарув, транспорт, транспорт инфратузилма, стратегик бошқарув, интеграция.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА СТРАТЕГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ ТРАНСПОРТНОЙ ИНФРАСТРУКТУРОЙ

Аннотация: в условиях современной глобализации экономическое развитие Узбекистана характеризуется не только ориентацией на инновационное развитие, но и акцентом на реализацию крупномасштабных проектов по развитию и модернизации инфраструктуры регионов. Решение этих задач должно способствовать полной интеграции Узбекистана в мировые экономические процессы, развитию международных торгово-экономических, туристических и культурных связей.

В данной статье рассматриваются аспекты совершенствования механизма стратегического управления региональной транспортной инфраструктурой.

Ключевые слова: менеджмент, транспорт, транспортная инфраструктура, стратегическое управление, интеграция.

IMPROVING THE MECHANISM OF STRATEGIC MANAGEMENT OF REGIONAL TRANSPORT INFRASTRUCTURE

Abstract: in the conditions of modern globalization, the economic development of Uzbekistan is characterized not only by an orientation towards innovative development, but also by an emphasis on the implementation of large-scale projects for the development and modernization of regional infrastructure. The solution of these tasks should contribute to the full integration of Uzbekistan into the world economic processes, the development of international trade, economic, tourism and cultural ties.

This article discusses aspects of improving the mechanism of strategic management of regional transport infrastructure.

Keywords: management, transport, transport infrastructure, strategic management, integration.

КИРИШ

Минтақалар ва шаҳар агломерациялари ижтимоий-иқтисодий тизимининг меъёрида амал қилиши ва ривожланишини таъминлайдиган транспорт инфратузилмаси умумий инфратузилманинг марказий унсурларидан бири ҳисобланади. Транспорт инфратузилмаси

минтақалар, ижтимоий-иқтисодий тизим ва аҳолининг хизмат кўрсатиш ва ҳаётий таъминот соҳалари таркибига бевосита кирган, сўнгги йилларда интенсив ривожланаётган мамлакат ва минтақалар транспорт-логистика тизимининг амал қилиши билан бевосита боғланган[1].

Замонавий логистика концепцияларини ривожлантириш ва уни амалиётга жорий этишнинг турли жиҳатларини ўрганиш масалалари хорижий ва миллий адабиётларда етарли даражада кенг ўрганилган. Логистика соҳасидаги илмий тадқиқотлар билан Б.А.Аникин, М.И.Белявцев, О.Глогусь, М.П.Гордон, П.Друкер, М.А.Гаджинский, А.Г.Кальченко, А.А.Кизим, Г.Г.Ларина, М.М.Лепя, Ю.М.Неруш, М.А.Окландер, В.А.Панков ва бошқалар шуғулланишмоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш минтақа ҳолатининг асосий ташкил қилувчиларидан бири сифатида ўрганилади. Транспорт инфратузилмаси унинг таркибига қиравчи муҳим синергетик ва мультипликатив самарага эга субъектларнинг юқори ўзаро таъсир даражаси билан тавсифланади. Кластер асосида ташкил қилинган транспорт инфратузилмаси саноат ва инновацион кластерлар билан бир қаторда, иқтисодий маконда амал қиладиган инфратузилма кластерлари тоифасига киради. Умумий инфратузилма унсури сифатида транспорт инфратузилмасининг асосий муаммолари қаторига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- янги ҳудудларни ўзлаштириш асосий йўналишлари бўйича шаҳар агломерацияларининг ривожланишини тўхтатиб турувчи радикал трассаларга кириш қобилиятининг чекланганлиги;

- транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда биргаликдаги вазифаларни ҳал қилишни маҳкамавий муассасалар ва идоралар ўртасида мувофиқлаштиришнинг паст даражаси;

- ушбу босқичда концессия шартномалари асосида амалга ошириладиган бир қатор лойиҳалар билан чекланадиган транспорт инфратузилмаси алоҳида сегментларини ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишда давлат-хусусий ва туман-хусусий шериклик механизмларидан етарли фойдаланмаслик;

- транспорт-логистика хизматлари соҳасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги (масалан, омборхона кўчмас мулкларидан нооқилона фойдаланиш ва юкларни жўнатишда йўқотишларга олиб келадиган омборхона бинолари учун ижара тўловларининг асоссиз ортиши) ва б.

Транспорт инфратузилмаси минтақа умумий инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида (энергетик, ижтимоий, коммунал ва бошқа умумий инфратузилмани ташкил қилувчилар каби) йўловчилар ва юкларни ташиш хизматларини кўрсатадиган транспорт тармоқлари ва корхоналарини, мураккаб конфигурацияга эга жами макон тармоғи кўринишида шаклландиган йўл трассаларини, транспорт инфратузилмаси объектларининг (ҳам сервис, ҳам бошқарувчилик вазифалари бўйича) амал қилишини таъминловчи корхоналар ва ташкилотлар тизимини бирлаштиради.


Ушбу ўз таркиби бўйича мураккаб тузилма фаолияти унинг яшовчанлигини таъминлаш ва ривожлантириш мақсадида агломерация ҳудудида амалга ошириладиган транспорт, омборхона, дистрибутив ва ёрдамчи хизматларда юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларини (жумладан, Ўзбекистон минтақалари) тўлиқ ва ўз вақтида

қондиришга қаратилган[2]. Минтақага татбиқан транспорт инфратузилмасини бошқариш тизими 1-расмда келтирилган.

Ижтимоий-иқтисодий тизим умумий инфратузилмаси таркибида транспорт инфратузилмаси бошқарув тизимининг амал қилиши қуйидагиларга йўналтирилган:

- ушбу тизим унсуруларининг шериклик ўзаро таъсири асосида шаҳар агломерацияларининг ривожланишига олиб келувчи синергетик (йўловчилар ва юкларни ташиш ва бошқа хизматлар ҳажмларининг сифат жиҳатдан ўсишидан иборат) ва мультипликатив (аралаш тармоқлар ва кичик тармоқларда янги иш ўринларининг ўсиши) самараларига эришиш;
- шаҳар ижтимоий-иқтисодий тизими тармоқлари ва кичик тармоқларининг, бошқа иқтисодий субъектларнинг транспорт инфратузилмаси тақдим этаётган хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқ ва ўз вақтида қондириш;
- шаҳар агломерацияси ривожланишини таъминловчи муҳим омил сифатида чиқадиган аҳолининг макон ва меҳнат ҳаракатчанлиги жараёнларининг рағбатлантирилишига қўмаклашиш;
- минтақанинг иқтисодий, маданий ва туристик аҳамиятга эга объект сифатида жозибадорлигининг ўсишига қўмаклашиш;
- Ўзбекистон ва халқаро бозорларда транспорт инфратузилмаси томонидан тақдим этилаётган товарлар (уларнинг қўшилган қиймати транспорт инфратузилмасидан оқилона фойдаланиш орқали рағбатлантирилган) ва хизматлар рақобатбардошлигининг ўсишини таъминлаш.

Транспорт инфратузилмасининг ривожланишини тартибга солиш 1-иловада келтирилган бир қатор асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган.



1-расм. Минтақа умумий инфратузилмасининг унсури сифатида транспорт инфратузилмасининг бошқарув тизими[3]

Умуман, транспорт инфратузилмасининг ривожланиши минтақа ижтимоий-иқтисодий тизимини ривожлантириш умумий стратегиясининг узвий қисми сифатида аҳоли турмуш сифатини яхшилаш ва минтақа иқтисодий ўсишига кўмаклашишга қаратилган[4].

Транспорт инфратузилмасининг амал қилиши ва ривожланишининг юқорида келтирилган устувор йўналишларига эришишни қуйидаги ўзаро боғлиқ вазифаларни ечиш асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- минтақа марказида автомобиль йўлларига босимни камайтиришни таъминловчи амалдаги ва янги тезюрар йўллар қуришга киришиш қобилиятини ошириш;
- минтақа ижтимоий-иқтисодий тизими умумий инфратузилмаси таркибида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун давлат, минтақа ва хусусий манбалардан, жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланиб, олинган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш;
- транспорт инфратузилмасининг самарали амал қилишини таъминловчи замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Ҳозирги вақтда транспорт инфратузилмаси минтақа ҳокимияти идоравий тузилмалари, ҳудудлар бизнес тузилмалари билан боғлиқ инфратузилма иқтисодий субъектлари тармоғини ташкил қилиш сифатида ўрганилмоқда[5]. У корхоналар, минтақалар ва умуман, минтақа ва мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиги, фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадларига эришишга қаратилган. Мос равишда, транспорт инфратузилмаси катта қисмида кластер шакли белгиларига эга бўлмоқда (инфратузилма кластери сифатида ўрин бериш).

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, бутун дунёда кластер ёндашуви корхоналар ва ташкилотларни гуруҳга (кластерга) бирлаштириш ва улар ўртасида норасмий ўзаро фойдали муносабатлар ва тармоқ ҳамкорлигини ўрнатиш асосида амалга ошириладиган иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш сиёсати (ҳам ривожланган, ҳам қолоқ тармоқлар учун) сифатида эътироф этилади[6].

Республика шароитида иқтисодий субъектларни кластерлаштириш тажрибаси нафақат саноат тармоқларининг (автомобиль, фармацевтика ва бошқа) ривожланишини рағбатлантириш воситаси сифатида, балки инфратузилмани, шу жумладан, унинг асосий унсурларидан бири - транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш вазифасини ҳал қилишда фойдаланилиши мумкин.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий тизими таркибида транспорт инфратузилмасининг самарали амал қилиши ва ривожланишини қийинлаштирадиган асосий муаммо сифатида шуни келтириш керакки, ушбу тизим тўлиқ ҳажмда юк ва йўловчиларни ташиш тезкорлиги ва комфортабеллиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мунтазам ўсиб борувчи эҳтиёжлари ҳажмларини тўлиқ ҳал қилади. Ушбу соҳада пайдо бўлаётган муаммо ўрганилаётган инфратузилманинг ўзига хослиги туфайли ўзаро боғлиқлиги билан тавсифланади ва мос равишда, мажмуавий ечимини талаб қилади, бу эса зарур вазиятларда минтақа ҳукумат тузилмалари ўзаро таъсири асосида амалга оширилиши зарур.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Ўрганилаётган соҳадаги мураккаб муаммолар каторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарсозлик сиёсати ўзаро боғлиқлиги, уларни транспорт инфратузилмасининг ривожланиш стратегиялари билан алоқадорлигига тегишли стратегик ҳужжатларнинг етишмаслиги ёки мавжудмаслиги;

- йўлларнинг ортиқча юкланиши ва шаҳар агломерацияси эҳтиёжларига мослашмаган (ўзининг бошланғич кириш имкониятига), тикилинчлар, транспорт графикларининг бузилиши, қатор ҳудудларнинг газланиши ва бошқа ҳудуд учун салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи йўловчи ва юк транспорти алмашинуви муаммоси;

- шаҳар агломерацияси транспорт инфратузилмасининг минтақа бюджети даромадлар қисмидаги улуши шаҳар даромадлари бошқа манбаларига нисбатан етарли эмаслиги. Бинобарин, ушбу даромаднинг 50% идан ортиғи транзит юкларини ташини хисобига таъминланади.

Бизнинг томонимиздан агломерация ижтимоий-иқтисодий тизими умумий инфратузилмаси таркибида транспорт инфратузилмасининг ривожланишини бошқариш тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, улар қаторига қуйидагилар киритилган:

- бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарсозлик ривожланиши устуворликларидан келиб чиқиб, амалга оширилмоқда;

- товар ҳаракатланиши ва йўловчи оқимларини тезлаштиришга, иқтисодиётда транспорт инфратузилмаси харажатларини камайтиришга бошқарув қарорларининг қаратилганлиги;

- транспортдан фойдаланишни яхшилаш, қўшилган қиймат яратиш, ушбу мажмуанинг минтақа ижтимоий-иқтисодий тизими умумий инфратузилмаси таркибидаги ишончлилиги ва самарадорлигининг ортиши;

- минтақа ғояси таркибига минтақанинг фойдали географик аҳволининг энг юқори амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, транспорт тармоғи ва дистрибутив марказ вазифаларини бажаришнинг киритилиши;

- минтақа ижтимоий-иқтисодий тизими умумий инфратузилмаси таркибига транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган давлат, бизнес ва аҳоли ресурслари ва саъйи-ҳаракатларини бирлаштириш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш асосида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ушбу тизим амал қилиши соҳасида транспорт инфратузилмаси турли объектлари ва бошқа ҳўжалик субъектлари ўзаро таъсири шароитида йўқотишларни камайтиришга қаратиш;


- барча ресурслардан оқилона ва юқори тежамкорликда фойдаланиш ҳамда атроф муҳитга салбий омиллар таъсирини камайтиришда транспорт инфратузилмаси корхоналари ва ташкилотларини модернизациялаш ва ривожлантириш жараёнларини рағбатлантириш;

- бошқарув қарорларини транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва минтақа ижтимоий-иқтисодий тизимини унга мос ривожлантириш кумулятив самарасига қаратиш;

- транспорт инфратузилмаси объектларини модернизациялаш режалари ва лойиҳалари мониторингини олиб бориш, зарурат туғилганда, у ёки бу лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини, ишларнинг иштирокчилари таркибини, инвестициялар ҳажмини тузатишга тегишли ўзгартишлар киритиш ва б.

Транспорт инфратузилмаси агломерация ижтимоий-иқтисодий тизимининг мувозанатлашганлиги ва рақобатбардошлигини, унинг макон жиҳатдан ривожланишини таъминловчи бир бутун иқтисодий тизим сифатида ўрганилади. Бизнинг томонимиздан

минтақа ижтимоий-иқтисодий тизими таркибида транспорт инфратузилмаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий бошқарув чизмаси ишлаб чиқилган (2-илова).



2-илова. Минтақа ижтимоий-иқтисодий тизими умумий инфратузилмаси таркибида транспорт инфратузилмаси ривожланиши бошқарувининг ташкилий-иқтисодий чизмаси

ХУЛОСА

Минтақада транспорт инфратузилмаси ривожланиш жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги келтирилган тамойилларни амалга ошириш шаҳар агломерациясининг барқарор ва мувозанатли ривожланишига (ҳам аъъанавий, ҳам янгитдан қурилаётган ҳудудларда), минтақа ижтимоий-иқтисодий тизими инфратузилмасини ривожлантириш учун аҳамиятли бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилувчанлиги жиҳатидан инвестицион фаолликни рағбатлантиришга олиб келиши зарур.

Адабиётлар:

1. Гриценко С.Г. Стратегия випереджального розвитку транспортно-логістических кластеров в Украине/Гриценко// Маркетинг в Украине.-2007.-№10.-С.35-37.
2. Музиченко А.С. Держание регулювання інвестиційної діяльності. – К.: Науковий світ, 2001. -345 с.
3. Муаллифнинг ишланмаси.
4. Легнер Б.А. Логистика./Легнер Б.А.-М.: Нова, 2006.-136с.
5. Омельченко И.Н. Логистическая система –основа создания эффективно действующих предприятий. /И.Н.Омельченко.//Дистрибуция и логистика.-2005.-№6.-С.81-86.
6. Гакашев М.М. Модели организации региональных промышленных кластеров: обзор международного опыта.//Вектор науки Тольяттинского государственного университета.-2013.-№4(26). –С.86-89.
7. Турсунов, О. Б. (2022). Транспорт Инфратузилмасининг Назарий Асослари.
8. Турсунов, О. Б. (2022). Транспорт инфратузилмасининг мазмуни, таркиби ва минтақа иқтисодий ривожланишига таъсири. so ‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi, 1(2), 190-196.
9. Рахимова, К. Н., Турсунов, О., Мирзаев, Р. Б., Ахмадалиева, М. К., & Кодиров, А. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА «ЯШИЛ МОЛИЯ» ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 28, 90-96.
10. Badalovich, T. O. (2022). Legal and institutional basis of development of transport services and transport infrastructure during the coronavirus pandemic. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW* ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 55-61.
11. Badalovich, T. O. (2022). Indicators representing the level of provision of transport services and infrastructure of the region. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 123-127.
12. Турсунов, О. Б. (2022). Иқтисодий эркинлаштириш даврида транспорт хизматлари ва инфратузилмасининг ривожланиш тенденциялари ва ҳудудий хусусиятлари. *Ta’lim fidoyilari*, 8, 196-204.
13. Турсунов, О. (2022). ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(13), 4-9.
14. Турсунов, О. Б. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ. *IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(12), 41-45.
15. Турсунов, О. Б., & Турғунов, З. Х. (2022, December). ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 1, No. 3, pp. 28-32).
16. Tursunov, O. (2023). TRANSPORT XIZMATLARINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHINING NAZARIY ASOSLARI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 3(1 Part 2), 170-175.

17. Mirzayev, R. B. (2022). ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН АВТОМОБИЛ ОЙНАЛАРИНИ ТОБЛАШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР.
18. Мирзаев, Р. Б. (2022). МАШИНАСОЗЛИК ТАРМОҒИДА МАХСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Ta'lim fidoyilari*, 8, 186-195.
19. Махсудов, Ш. С. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 993-995.
20. Solijonovich, M. S. (2022). The role of government bodies in the development of free economic zones. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 132-137.
21. Solijonovich, M. S. (2022). THE ROLE OF ENGINEERING AND COMMUNICATION INFRASTRUCTURE IN THE ORGANIZATION AND DEVELOPMENT OF THE FREE ECONOMIC ZONE. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW* ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 97-102.
22. Burxonovich, M. R. (2022). The Importance Of Basic Materials And Technological Losses In Increasing Economic Efficiency In The Formation Of Cost. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(1), 727-732.